

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
акциядорларининг навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши баённомасига 3-  
сон илова

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2017 йил 31 январдаги қарори билан  
(2017 йил 06 февралдаги АС-1/2017-  
сон баённома)

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБНИНГ 2017-2024 ЙИЛЛАР УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ  
ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

**Банкнинг узоқ муддатли истиқболдаги стратегик мақсади** – банк бизнесини энг юқори хизмат кўрсатиш стандартлари ва брендининг юқори танувчанлиги билан тузиш.

**Слоган:** ASIA ALLIANCE BANK – Сизнинг янги имкониятларингиз.

**Вазифаси:** Ўзбекистонда юқори бозор мавқеларига ва молиявий барқарорликка эга энг яхши тижорат банкига айланиш. Банк ўз мижозларига бутун банк хизматлари турларини таклиф қилиб ва банкнинг хизмат кўрсатиш юқори стандартларига амал қилиб, ўз ривожланиши билан мижозлари фаровонлигини оширишга кўмаклашади, бу орқали мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз хиссасини қўшади.

**Корпоратив мақсадлари:** Яратиш. Янгиликларни татбиқ қилиш. Ишонч ва адолатлилик. Банк мижоз учун. Жамоавий иш. Ватанпарварлик.

**Стратегиянинг асосий йўналишлари:**

1. Савдо-сотиқлар каналларини ривожлантириш ва мижозларнинг долзарб талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган янги маҳсулотларни чиқариш, шунингдек банк капиталига стратегик инвесторни жалб қилиш орқали банкнинг бозор мавқеларини ва мижозларнинг мойиллигини мустаҳкамлаш.
2. Фаол савдо-сотиқлар, мижозларни жалб қилиш ва хизмат кўрсатиш, таваккалчилик-менежмент, доимий яхшилаш ва мустакил равища таомиллашиш фояларини татбиқ қилиш, меҳнат самарадорлигини мунтазам ошириб бориш каби йўналишларда банкнинг муҳим ваколатларини кучайтириш.
3. Банк карточкалари асосида чакана банк хизматларини жадал ривожлантириш ва мижозларга масофадан туриб бошқариладиган технологиялар ва жоиз операцияларнинг максимал кенг диапазонини тақдим қилиш ҳисобига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш операциялари ўсишини таъминлаш.
4. IT-платформани янгилашга инвестиция қилиш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини яхшилаш, шунингдек мунтазам равища таомиллашиш ва инновацияни ривожлантириш имкониятларига эга фаолият тизимини татбиқ қилиш.
5. Энг яхши дунё амалиёти ва акциядорлар манфаатларига мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш.
6. Кучли корпоратив маданиятни яратиш ва ходимларни муҳим бизнес мақсадларга ва самарадорлик кўрсаткичларига эришишга рағбатлантириш орқали юқори малакали боадаб ходимларни шакллантириш.